

“ЎЗАВТОСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт “Ўзавтосаноат” АЖда (бундан буён – «Жамият») юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуйидагилар Жамиятдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

3. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутлади:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Жамиятда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамиятнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Жамият тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Жамият функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдиқ хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни

К.С.И.В.

минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Жамият томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси – Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Жамият функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазибаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил – Жамият функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Жамиятнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса юзасидан маълум бир соҳада махсус билимларга эга жисмоний шахс томонидан берилган хулоса.

ўзига хос хавф-хатар – Жамият фаолияти ва амалга ошириладиган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-

А. Селиф

таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

тизим корхоналарининг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Жамият тизим корхоналарида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

6. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда – Комплаенс департаменти) томонидан Жамият раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади. Жамият раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс департаменти қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда Жамиятда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек Жамият, тизим корхоналарига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

Жамият, тизим корхоналари бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Комплаенс департаменти раҳбари билан келишади;

Жамият, тизим корхоналарининг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

Жамият раҳбари ва тегишли тизим корхоналар раҳбарларига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Жамият, тизим корхоналарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Комплаенс департаменти раҳбари билан келишади;

А.Ҳ.Ҳ.

Жамият, тизим корхоналарнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комплаенс департаменти зарур ҳолларда Жамият тизим корхона раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказди;

тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

тегишли тизим корхоналарнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли тизим корхоналарнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли тизим корхона ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

9. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳоланишнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Жамият ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳоланиш ўз ичига олади.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан тегишли марказий, тизим корхоналардан) тепага (Жамият даражасига), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

А. С. С. С.

12. Комплаенс департаменти ушбу Услубиётига 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Жамиятнинг Жамияти, тизим корхоналарига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Ички назорат тузилмасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Жамият тизим корхоналарининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Комплаенс департаменти Жамият учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Жамият тизим корхоналарининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс департаменти томонидан Комплаенс департаменти раҳбари билан келишилади.

14. Жамиятнинг тизим корхоналарининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тизим корхона раҳбарлари билан келишилади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс департаментига кўриб чиқиш учун киритилади.

15. Жамият, тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Комплаенс департаменти ходимлари тегишли тизим корхонага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

16. Комплаенс департаменти ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

17. Жамият, тизим корхоналарнинг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс департаменти Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, Жамият, тизим корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Жамият Комплаенс департаменти тақдимномасига асосан Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

20. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Комплаенс департаменти ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

21. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс департаменти ва коррупцияга қарши курашиш

учун масъуллар тақдимномасига асосан Жамият раҳбари ва тегишли тизим корхоналар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

22. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан тизим корхоналарнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

тизим корхоналарнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Комплаенс департаменти билан келишилгандан сўнг тегишли тизим корхоналари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

23. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури Жамият бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс департаменти томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Жамият раҳбари томонидан тадиқланади.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши

24. Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Жамият раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Комплаенс департаменти Жамиятнинг, тизим корхоналари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

27. Комплаенс департаменти Жамият, тизим корхоналар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, таҳлил қилади.

4-боб. Жамиятда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб- таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Жамиятнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари (мисол учун, тизим корхоналар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва х.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари; манфаатдор томонлар ва шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Жамиятнинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Жамият фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Жамиятнинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

30. Ҳар бир функция куйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш куйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос паст хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Жамиятнинг Ички назорат тузилмасининг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 5-илоvasи 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётининг 5-илоvasи 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёти 5-илоvasидаги 5.1 расм).

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

А. Девро

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Жамият ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олинishi зарур.

34. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Усулбўйичанинг 6-илоvasи).

35. Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Комплаенс департаменти томонидан амалга оширилади.

6 боб. Яқуний қондалар

36. Зарурат бўлганда, Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс департаменти томонидан Жамият раҳбарига таклифлар киритилади.

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
1-илова

“Ўзавтосаноат” АЖнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси

№	Функция номи	Функциянинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси (энг кўп мойил / энг кам мойил)	Функция доирасида бажарилаётган тартиб-таомил номи	Тартиб-таомилни бажариш учун масъул бўлган шахслар (лавозими, бўлини маси)	Эҳтимолий коррупциявий схема (хавф-хатар)нинг қисқача таърифи	Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар (юқори / ўрта / паст)	Мавжуд назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари	Назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар	Назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлини маси)	Қолдик хавф-хатар даражаси (юқори / ўрта / паст)	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари	Изоҳлар (зарур ҳолларда)
1												
2												

1. Бўлини ма

1.1. Жамият ёки тизим корхона номи

1.2. Департамент/Бошқарма

1.3. Бўлим

2. Тўлдириш учун масъул

2.1. ФИШ

2.2. Лавозими

2.3. Боғланиш учун (электрон почта, телефон)

С.У.С.

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупциявий
хавф-хатарларни баҳолаш услугиётига
2-илова

Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар
РЎЙХАТИ

№	Ташкилот номи	Ташкилот тузилмаси номи	Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда)
1.1.			
...			
2.1.			
...			

А.Ҳеёр

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупциявий
хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига
3-илова

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупцияга қарши курашиш дастури

№	Ташкилот номи	Коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш бўйича чоралар/гадбирлар/тартиб- таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими)
1.1.					
1.2.					
...					
2.1.					
2.2.					
...					

Ахмедов

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
4-илова

**Коррупциявий хавф-хатарларни кейинги босқичда баҳолаш учун “Ўзавтосаноат” АЖ тизими
бўлинмаларини таснифлаш бўйича сўровнома
ШАКЛИ**

Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз (кераклигисини тагига чизинг):

1. Коррупциявий хавф-хатар сўнгги марта баҳолангандан сўнг қонунчиликда қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

2. Тизим корхонаси томонидан бажариладиган фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларда коррупциявий хавф-хатар сўнгги марта баҳолангандан сўнг қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

3. Коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг Жамият, тизим корхонангиз томонидан бажарилаётган функцияга таъсир қилган/таъсир қилиши мумкин бўлган қандайдир ўзгаришлар юз бердими? Агар жавобингиз ижобий бўлса, қуйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

4. Коррупциявий хавф-хатарларни аввалги баҳолашда кўзда тутилган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилдими? Нима ва қачон амалга оширилганини таърифлаб беринг. Агар амалга оширилмаган ёки қисмай амалга оширилган бўлса, сабабини ёзинг.

А) Ҳа Б) Йўқ В) Қисман амалга оширилган

**5.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини
аниқлаш мезонлари**


Эҳтимоли	Таърифи
Юқори	<ul style="list-style-type: none"> – Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори – Назорат тадбирларининг мавжуд эмаслиги / сезиларли даражада кам-кўстини тўлдириш керак бўлган назорат тадбирларининг мавжудлиги – Тартиб-таомилни ички ҳужжатлар ёрдамида аниқ тартибга солиниши мавжуд эмаслиги – Тартиб-таомилни автоматлаштириш мавжуд эмаслиги/даражаси пастлиги
Ўртача	<ul style="list-style-type: none"> – Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта – Тартиб-таомил тартибга солинган, кам-кўстини оз миқдорда тўлдириш керак бўлган назорат тадбирлари жорий этилган – Тартиб-таомил тартибга солинган, қисман автоматлаштирилган, бироқ етарли даражада шаффоф эмас – Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назорат (Жамият тизим корхоналарининг назорат қилиниши)ни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги – Тартиб-таомил қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган
Паст	<ul style="list-style-type: none"> – Ўзига хос хавф-хатар даражаси паст – Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта ҳамда хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан ички ҳужжатлар билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назоратни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги – Тартиб-таомил тўлиқ автоматлаштирилган

5.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик) даражасини аниқлаш мезонлари

Оқибат даражаси	Обрўга путур етказиш	Жавобгарлик
Юқори	— Хавф-хатар Жамиятнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги обрўсига сезиларли равишда путур етказди	— Жамият ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш учун тегишли органларга ҳужжат юбориш ташаббуси билан чиқиш
Ўрта	— ОАВда салбий ҳодисанинг ёритилиши; — Аҳоли ва ҳамкорлардан салбий фикрлар ва шикоятлар олиш; — хавф-хатар Жамият обрўсига маҳаллий даражада путур етказди.	— Жамият ходимларига нисбатан маъмурий суриштирув ўтказиш учун ҳужжатларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юбориш ташаббуси билан чиқиш
Паст	— Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан вазиятга изоҳ беришни сўраб алоҳида сўровлар тушиши мумкин	— Давлат органи/идораси тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш мумкин

А.Ҳ.Ҳ.

5.1-расм. Қолдиқ хавф-хатар даражасини аниқлаш шакли



Handwritten signature